

Ўзбекистон

Элим деб, юртим деб,

ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМГАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1997 йил 27 Август Чоршанба. № 67 (14459)

ЭЪТИРОФ

— Мен Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов томонидан олиб борилаётган сўбатини тўлалигича қўллаб-қувватлайман. У тинчлик ва барқарорликни фақат Ўзбекистондагина эмас, балки бутун минтақада сақлашга қаратилган. Ўзбекистонда содир бўлаётган ўзгаришларни диққат билан кузатиб бораман. Ижобий ўзгаришларнинг натижалари сўбатда, иқтисодда ва миллионлаб Сизнинг фуқароларингизнинг ҳаётида сезилиб турибди. Бунинг натижасида Ўзбекистон халқаро ҳамжамиятда катта нуфузга эгадир. Бу нуфуз минтақадаги тинчликни ва барқарорликни мустақамлашда мамлакат раҳбариятининг улкан савъ-ҳаракатлари орқали кучаймоқда.
Набиля АЛ-ЛАҲАМ, Фаластиннинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА ЖАҲОН МУСИҚАСИ БАЙРАМИ

Кеча Самарқандда "ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" халқаро мусиқа фестивали тантанали равишда очилди. Унда мамлакатимиз Президентини Ислам КАРИМОВ табрик нутқи сўзлади



Хонимлар ва жаноблар! Азиз меҳмонлар ва дўстлар! Фестиваль қатнашчилари!
Энг аввало, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивалининг қатнашчиларини гўзал Шарқимизнинг дурдонаси - қадимий ва ҳамisha навқирон Самарқанд шаҳрида муборакбод этишдан бағоят мамнуъ эканлигини изҳор қилишга ижозат бергайсизлар!

Бугунги мусиқа байрамида иштирок этаётган Япония, Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Эрон, Покистон, Миср, Индонезия, Корея Республикаси, Вьетнам, Малайзия, Иордания, Мўғулистон, ўзимизнинг яқин қўшнилариимиз Қозғистон, Қирғизистон, Туркменистон, Тожикистон, Озарбайжон вакиллари, Россия, Америка Қўшма Штатлари, Франция, Буюк Британия, Олмония, Австрия, Арманистон, Латвия ижрочи ва санъаткорлари-

Ахрор Валий, Улуғбек, Қозизода Румий, Шарафиддин Ал Яздий, Давлатшоҳ Самарқандий, Клавино, Низомий Ганжавий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий, Вамбери, Абдуразоқ Самарқандий каби ўнлаб ва юзлаб буюк инсонларнинг қадимлари теккан.
Не-не буюк давлат арбоблари, санъаткорлар ва ижодкорлар бу шаҳри азимни зийрат қилган. Самарқандни азал-азалдан турли халқ вакиллари ва маданиятлари учрашган манзил бўлган, деб айтсак асло хато бўлмас.
Азиз дўстлар!
Шарқ мусиқаси - Шарқ фалсафаси, Шарқ

Хонимлар ва жаноблар! Қадимий Самарқандга, буюк воқеалар шоҳиди бўлмиш Регистон майдонига Сизларни эзгу бир ниёт билан таклиф этдик.
Ишонманки, Сизларнинг гўзал санъатингиз Шарқимиз мусиқа дурдоналарини бутун дунёга яна бир бор намойиш қилади.
Ишонманки, бу фестиваль ҳар бир одамни меҳру шафқатли, меҳру оқибатли бўлишга даъват этади, ер юзиде барқарорлик ва аҳиллик табиатини уйотади.
Ишонманки, «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали халқларимиз маданиятларини ўзаро бой-итади, миллатимиз ва динимиздан қатъи назар, халқларимизни ва инсонларимизни бир-бирига яқинлаштиради.
Ишонманки, қадимий Самарқандда очилаётган мусиқа фестивали анъанавий бўлиб қолади ва

Президент Ислам Каримовнинг «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимидаги табрик сўзи

дунёсининг узвий бир қисмидир. Шарқ мусиқасининг жаҳон маданий меросида тутган ўрни бениҳоя буюк.
Сиз меҳмон бўлиб турган қадимий Самарқанд музейларидан бирида археологларимиз топган гоёт ноёб, тилла буюмлардан ҳам қимматлироқ мусиқий асбоб - беш минг йиллик най авайлаб асралмоқда. Уни кўрган инсон беихтиёр Шарқ мусиқаси тарихини ўйлайди.
Бу мусиқа минг-минг йиллардан бери одамлар дилини поклаб, уларни руҳан юксалтириб келмоқда.
Ўзининг нозик жозибаси билан дунё маданиятига озуқа бериб, умумбашарий қадриятларга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Шарқ халқлари куй ва оҳанглари янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.
Хурматли меҳмонлар! Сизларни ҳеч бир муболағасиз «маданият ва дўстлик элчилари» деб аташ мумкин. «Шарқ тароналари» мусиқа фестивали очилиши муносабати билан барчангизни Ўзбекистон халқи номидан яна бир бор муборакбод этаман ва ижодларингизга оммалар тилайман.
Азиз томошбинлар! Самарқанд аҳли! Ҳеч қандай шубҳам йўқки, сиз биродарлар фестивал иштирокчилари ва меҳмонларига уларни қўллаб-қувватлашда ўзбек халқига муносиб меҳмондўстлик ва барикенглик фазилатларини албатта намойиш этасизлар.

га чин қалбимдан миннатдорлик билдириб, уларнинг ҳар бирига ўзбек халқининг саломи ва хўрматини отказишдан бениҳоя бахтиёрман!
Фестивалимизнинг фахрий меҳмонлари - ЮНЕСКО вакиллари, Халқаро мусиқа кенгаши раҳбариятини ва бошқа азиз меҳмонларимизни қизгин табриклаймиз ва «Самарқанд тупроғига хуш келибсиз!», деб чин кўнгилдан қўтаймиз.
Мухтарам дўстлар!
«Шарқ тароналари» мусиқа фестивали Ўзбекистонда, асли Самарқанд заминиде ўтаётгани беҳиз эмас. Самарқанд ҳақли равишда дунё цивилизациясининг бешикларидан бири ҳисобланади.
Бу ерга Амир Темур, Имом Бухорий, Хожа

Ғунга

Ишқимоним нуборак,
Бахш, шобоним нуборак
Келди кутмак оларини
Чушари армонларини.

Энди сен эркин қўшсан
Баламд брисиқ нарвоқини.
Олам аро юксалик
Ўзбекиона овозини.

Сен Антоний, Мелурдез
Яқиндаги бошир ўноқ
Зелли ўткир Чувбек
Фаналар қўйди нарвоқ.

Шен Сано яради
Шик тиббийи оламни.
Навоийлар ўшарди
Туркий сўзлар нағманни

Ўйинини назмуна бой
Муҳаббатини ҳам шобон.
Олам аро от гирой,
Мелинг Ўзбекистонини.

Азизбек Турдиев,
Риштон туманидаги
7-ўрта мактабининг 6-синф
ўқувчиси

ХАЁТ ЧЕЧАКЛАРИ

ЖУПЛУК "БОҒЧА ОПА".
Қўчалдаги даракнинг музек соясиде 6-7 ёшлар атрофидаги уч-тўрт қизалоқлар "боғча-боғча" ўйнаётган эди.
- Қани жим бўлинглар! Шоқинларнинг қулғинини қоматга келтирди-я... Жим! Ҳозир Дилдора биларга янги ёллаган шербини айтиб беради, - деди орамда энг шаққалон, шубҳасиз "боғчаопаси". Ҳамма жим бўлиб Дилдоранинг оғизига қаради. Худди шу пайт жимликни кутиб тургандек,
- Мен 9-уйда тураман. Сизга ким керак, - деди бундан роса олти йил бурун 1 сентябрда, яъни Ўзбекистон мустақиллиқ эълон қилган кунни туғилган қизалоқ ўйнаётган оқма-қўзма "боғчаопаси" овозини расмий тарзда ўзгартираркан, жиддий ҳолда. Катталар муҳим иш юзасидан сўхбатлаётганини "тушушган" Жаҳоҳир қичқирдишдан тўхтади. Мен Озода ва Жаҳоҳир етакчилигида уларнинг уйига равона бўлдим.
- Одатда фаранглик бўлган одам сунончига тушарди. Қизим туғилган 8-туғруқонага келсам, бош шифокор Ҳадия Исаханова сунончисига 250 сўмни кўртдек санаб берса денг, - деб гапни қизилдан бошлади Озоданинг отаси Абдуразоқ,
- Хуллас, қизим шундай улуг айём кунда туғилгани учун мукофот ҳам олганим. Қизим изли-қутли келди. Узим юк поездида хизмат қилардим. Қизим туғилди янги, Германиядан келтирилган вагон беришди. Тагин қаерга денг, уша пайта "ҳар нарсига қолди" Москвага қатнай бошлаганман.
- Мустақиллик туғайли оилангизда не ўзгаришлар рўй берди?
- Йўлда эдим. Иркутскда. 24 кун юриб шаҳримга қайтиб келсам уйимни тополмай қолганман. Ишонасизми, шу вақт ичиде Эски шаҳарнинг жамоли ўзгариб кетди. Агар шу эски маҳалланинг томи узокдан кўзга ташланганда, ҳозир ҳам уйимни тополмай юрган бўлардим...
- Яқинда бизнинг кўчани ҳам "кетайди" дейишяпти, - деб гапга қўшилди хондон соҳибаси Умида, - Катта кўчанинг элик метрча атрофи қўқаламзорлаштириларкан, бунга ҳам бузилди ўрнига замонавий услубдаги котеждар тушар экан. Қандай яхши, яқин беш-олти йил ичиде Эски шаҳар ўзгариб кетайди.
- Ху-уш, Мустақиллик қизининг ҳаётида қандай ўзгаришлар рўй берди, - деб Озодани сўхбатта тортаман.
- Ман яқинда янги боғчага бораман-ан, - дейди энг муҳим аниқликдан гапни бошлаб Озода, - у ерда инглиз ва араб тилларини ўргатар экан.
- Ман, бир неча кундан бери мустақиллик билан бирга туғилганларнинг уйига таширф бўюраман. Қизик, уларнинг кўпига яна бу истиқлол денгларни жаҳонда алоқа воситаси сифатида тан олинган инглиз тилини ўрганиш имконини берди, улар яшаётган шаҳарларнинг жамоли эса кундан кунга очилиб бормоқда, аҳолиси янги уйларга кўчиб ўтмоқда. Хур Ватанинг кўм-кў осмониде саҳоватли қўш тинчлик нурларини таратмоқда. Бахт денгларни шу эмасми-кан...



Суннат АЗЛАРОВ,
"Туркистон" мухбири

Туғилиб яшаётган шаҳрингиз дунёнинг назари тушса ва ҳавас билан қараша, юрагингизда ифтихор туйғуси янада ошаркан. Мана, бир неча йилдирки, Самарқандда дунёнинг назари тушиб қолди. Аввалига, Мирзо Улуғбек, соҳибқирон Амир Темур болаларимизнинг таваллуд кунлари кенг миқёсда тантанали нишонланди. Дунё халқларининг нигоҳи бутун Самарқанднинг юраги деб ном олган Регистонга қадалган. Бу шаҳри азим мезонлари чет эллик меҳмонларни қуттишни аянганга айлантиришди.
Бир неча ойдирки, ҳамманинг тилида куй-қўшиқ, шаҳарда ўтказиладиган "Шарқ таро-

қўшиқсига кўтарган Хўжа Абдуқодир Мароғий, Хофиз Чанғий, Амир Али Акбар Самарқандий, Мавлоно Пир Муҳаммад ва асримиз бошларида ўзбек санъати пешкамини Хожи Абдулазиз Абдурауфовнинг руҳлари шод бўлади. Улар қўлларига олган чолғу асбоблари бугун Америка, Германия, Туркия, Австрия, Франция, Бангладеш, Исроил, Эрон, Қозғистон, Туркменистон, Озарбайжонларда ҳам янграмоқда. Бу миллий қўшиқчилик барча мамлакатларда тан олинганлигининг исботидир.
Регистонда бошланган тантаналар яна бир неча кун давом этади. Шаҳарнинг маданият

Турфа хил касб эгалари билан мулоқотда бўламан. Баъзилари таассуротлари билан узоқ вақт ўй-фикрларини қамраб олади. Ана шундай инсонлардан бири Музаффардир. Унинг ўрта мактабни битирганига мана етти йил бўлди. Лекин ўша вақтда ҳеч ким уни ниҳоятда жиддий ва фақат эркакларга хос касб эгаси бўлади деб ўйламаганди. Бугун унинг қўл остида 43 аскар, 4 зобит ва 4 нафар старшина хизмат қилади. У ҳарбий билим юртини битирганидан сўнг муддатидан илгари катта лейтенант ҳарбий унвонини, ротата командирлик лавозимини эса бор-йўғи ярим йил ичиде қўлга киритди. Тартибли, тиришқоқ, юқори савияда касб маҳоратига эга, моҳир ташкилотчи, ўта мураккаб ва оғир шароитларда тезда оқил ва тўғри хулоса чиқаради, қўл остидаги ҳарбийларда ватанпарварлик туйғусини уйғота олади. Бугун Суҳрондарё вилоятининг чегара бўлимасида хизмат қилаётган катта лейтенант М.Одилов ҳақидаги қисқа ва ижобий маълумотлар Республика ёшлари "Қамолот" жамғармасига ҳам етиб келган. У жамғарманинг юқори мукофоти-га номзод.
- Собиқ шўъролар ҳукумати дав-

ХУШ КЕЛДИНИ, КҮЙ-ҚҶШИҚ!

налари" фестивали ҳақида гап.
Маскур қўшиқ ва гўзаллик байрамнинг Самарқандда ўтказилиши ўзига хос рамзий маънога эга. "Мовароуннаҳрнинг кўзи" бўлган Самарқанд мусиқа санъатининг бешигидир. Шу сабаб бу фестивал "Буюк Ипак йўли" деб номланган театрлаштирилган томоша билан тантанали равишда очилди.
"Тинчлик ва тарона - эгизакдир", "Соҳибқирон севган юрт куй-қўшиққа бурканди" деб ёзилган шiorларни ўқиганда халқимизнинг байрамлари соғиниб яшашни, куй-қўшиқсиз ўзбек хонадониде файз йўқлиги аёнлар. Шаҳарликларнинг ҳолатида тинчлигини, бекаму қўст яшаётганлигини, кўнгли хотиржамлигини намойиш этишга шай турган мезобонлик кайфиятини туйсиз.
Регистон - неча-неча тантаналар, унутилмас тадбирларнинг туюғи. Жимгина кўрали, кузатади, тинглайди. Бағрикенглигини намойиш этади. Ҳар фестивал, байрамларда минг-миглаб инсонларнинг хуш кайфиятини биринчи бўлиб сезади, кўради, туюғи бўлади.
Самарқанд аэропортида байрамнинг илк қадамлари қўйилди. Чет элликлар - фестивал иштирокчилари ва меҳмонлари аэропортдан тўғри "Афросиёб" меҳмонхонасига келишди. Самарқанд санъатини шон-шухрат

ва истироҳат болғари, театр майдонига, Яшил театрга ўрнатилган саҳналарда дидрабо куй-қўшиқлар қизқувчиларни ўзига чорлаб турибди.
"Шарқ тароналари" фестивалининг тантаналарини бир неча чет эл журналистлари ёритиб боришади. Фестивалда "МЕНА" ахборот агентлиги бош муҳаррири урин босари Аҳмад Ҳасан Эл-Сави Исса, Франциянинг "Мусиқа олами" ойлик журнали "мухбири, Туркия нашрларидан бири "Хуррият" газетасининг бўлим муҳаррири Ижан Йилмаз, Покистоннинг "Нагон" газетаси санъатшунослик бўлими мухбири Ишра Ҳаёт ва бошқалар бор.
"Шарқ тароналари" фестивали мустақиллик туғайли эришилган неъматлардан биридир. Зеро, энди бу фестивалнинг ҳар икки йилда бир марта Самарқандда ўтказилишига келишиб олинганлигининг ўзбек бунинг исботидир. Уш асрда Самарқандда бўлган будда монахи: "бу шаҳарнинг халқи куй-қўшиқ ва сайилларни севади, уларнинг ҳар хил мусиқа асбоблари бордир" деб тан олган. Афросиёб харобаларидан топилган арфа, уд чалаётган ҳайкалчалар ҳам бунинг исботидир.
Самарқандга хуш келдинг, куй-қўшиқ.
Гули ЧЕХРА

САДОҚАТ

рида маҳаллий миллат вакилларида зобитлар ниҳоятда кам бўлган. Ҳозирда ўз Ватанимизни ўзимиз қўриқлашдек шарафга эгамиз.
- Сиз айтган ҳол тўқсонинчи йилларнинг бошида сезилган. Чунки ўша пайтада кўп зобитлар юртларига кета бошладилар. Ўта уюшқоқлик билан амалга оширилган тадбирлар натижасида бугун танкчилар, авиациячилар, ҳаво десантчи қўшинлари, миллий гвардия - умуман ҳамма ҳарбий қисмларда юқори савияда касб маҳоратига эга бўлган ўз зобитларимиз командирлик қилмоқдалар. Шунинг учун миллий армиямиздаги аскарларнинг жанговар тайёргарлик сависиси юқори даражада.
Давлат тили қабул қилинганидан сўнг ҳарбий Низом ҳам ўзбек тилига ўтирилган. Ҳозир ҳамма буйруқлар ўзбек тилида амалга оширилди. Бошқа миллат вакилларига давлат тилини ўзлаштиришлари учун машғулотлар олиб борилади.
- Ҳарбий хизматга қақарилаётган ёшларга қандай истақ ва талабларингиз бор?
- Баъзи ёшларимиз армиянинг мукамаллик ва чиниқлини армияда олишга мажбур бўлмоқдалар. Бу нарсига ҳечдан кўра кеч қабилида қараш керак эмас. Чунки бундайлар кўролдош ўртоқлари олдиде кўп ҳолларда ноқулай аҳволга тушиб қоладилар. Яна шунини айтмоқчи эдимки, баъзи туман ҳарбий комиссариатидегилар оилани аҳволи туғайли хизматга ноқобил ёшларни ҳам армияга юбораведдилар. Шу ҳақида жиддий ўйлаб кўриш керак.
- Фурсатдан фойдаланиб мен халқимни келаетган улуг байрам - Истиқлол кунини билан муборакбод этаман.
Сиз АЗИЗ сўхбатлашди

АНДИЖОНЛИК САЙЁХ ЖИЗЗАХГА КЕЛДИ

Юртимиз шаҳар ва қишлоқларини айланаб, тарихий эриб муқаддас жойларни зийрат қилишга мақсад қилган сайёх Маҳмуджон Қосимов бундан бир ой илгари йўлга тушган эди. Биз сайёх билан учрашиб ундан сафар таассуротларини гапириб беришни сўрадик.
-- Маҳмуджон ака, республикамизнинг шаҳар ва қишлоқларини велосипедда айланаб чиқини ният қилибсиз?
-- Мен республикамизнинг деярли барча вилоят, шаҳар ва туман марказларида бўлдим. Ҳамма жойда илиқ кутиб олишяпти. Бунинг учун Республика "Қа-

манг ўзимизнинг миллий услубда қақарилаётган биноларни кўрасиз... Хунармандчилик, қосибчилик, нақшчилик ва бошқа касблар ривожланиб бораётганига туюғи бўлдим. Янги-янг спорт иншоотлари қурилиб, фойдаланишга топширилиди. Ватан остонадан бошланади, деб бежиз айтишмайди. Мен ҳам ўз юртимни яхши билишни мақсад қилдим. Гарчи спортнинг бирон тури билан шуғулланманга бўлсам ҳам, лекин

Байрамни Тошкенда -- Мустақиллик майдониде кутиб олмақчиман. Саёхатимни мустақилликимизнинг 6 йиллигига бағишлайман. Келгусида Европа мамлакатларига велосипедда саёхатга чиқмоқчиман. Саёхат таассуротларини китоб қилиш ниятим бор.
-- Ниятингизга етинг, сафарингиз бехатар бўлсин!
Э. ҲОҚОВ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 26 августдан бошлаб ҳисоб ва боғжона тўловлари учун 1 АҚШ доллари сўмга нисбатан қийматини 73 сўм 75 тийин миқдориде белгилади.



ТУРМУШДА ЎЗГАРИШ БОР

Ўтган йили Президент Исом Каримов Наманган вилоятидаги Норинкапа қишлоғида бўлиб, аҳолининг турмуши билан танишган эди. Қишлоқни газлаштириш, аҳолини ичимлик суви билан таъминлашнинг аҳолидан, озодликни сақлаш, ободончилик ишларидан, одамларнинг кайфиятидаги тушкунликдан қониқмаган. Бошқа қишлоқларда ҳам аҳоли яхши эмас. Ишсизлар кўп. Фақат Норинкапанинг ўзида 2 минг нафар ёш ишга жалб этилмаган. Тумани ижтимоий, иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш бўйича режаларнинг бажарилиши ўзда-жўда. Шу боис, аҳоли турмуш шароитлари ночор эди.



"Бўстон" жамоа ширкатлар хўжалигида пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Миришкор деҳқон Гафур Кулиев, хўжалик раиси Аҳмадjon Маматов ва бригада етакчиси Фозилjon Иброҳимовнинг хушнудлигининг боиси ҳам ана шунда.

қишлоқ фуқаролар кенгаши ҳудудининг ўзида Ёлпизхон - Чўжа юқори босимли газ трассасидаги ишлар муддатидан илгари тугалланди. Қўрғонча

ринликлар биринчи навбатда саноатни, хизмат кўрсатиш соҳаларини, маҳсулотни қайта ишлайдиган ихчам корхоналарни қишлоқ заминига олиб келишга ҳаракат қилишмоқда. Ҳозир туманда 250 ишчи ўрнига эга тикувчилик фабрикаси, йилга 10 миллион донга гишт ишлаб чиқарадиган завод қуришмоқда.

Аҳолини иш билан таъминлаш мақсадида 1025 ишчи ишлайдиган Ўзбекистон - Россия ҳамкорлигида тиббий гидроскопик момиқ фабрикаси қурилиши давом эттирилмоқда.

Президент И.Каримов Фарғона вилояти кенгаши сессиясида аҳоли қўлидаги фойдаланиб келинаётган томорқалар уларнинг асосий даромад манбаи ёки бизнесидир, деган эди.

Туманда саноат корхоналари яхши ривожланмагани сабабли аҳолининг асосий қисми қишлоқ хўжалиги соҳасида ишлайди, - дейди туман ҳокими Г.Ҳаббобов. - Ҳар бир гектар экинзорга 4-5 нафар ишловчи тўғри келади. Деҳқончиликдан олинган даромад оилаларнинг моддий эҳтиёжини қоплай олмайди. Шунингдек, меҳнатга лаёқатли бўлса-да, ишламай юрганлар сони ҳам туманида бошқа ҳудудларга нисбатан кўп. Шу боис шахсий томорқалардан самарали фойдаланиш зарурияти туғилди.

Ўтган йили аҳоли томорқаларидан ўртача 5-6 минг сўмгина даромад олинган экан. Ҳоким шу йил февралда Чангитма қишлоғидаги оилалардан бирига кирган эди.

Ўтган йили 18 сотих ерга экилган маккажўхори ўриб олинган, ҳатто ўрни чопилмаган ҳам экан. Оиладаги тўрт нафар йигит ишсизми, деб уйда ўтиришган экан. "Бўстон" жамоа хўжалигида бошқа бир томорқа эгаси 12 сотих ерда эртанги қарам етиштириб, апрель ойидаёқ ундан 180 минг сўм даромад олибди.

Йил охиригача яна шунча даромад ишлашни кўзлаб юрибди. Қишлоқ фуқаролари йилнинг охирида томорқалардан фойдаланиш масаласи кўриди. Ҳар бир томорқа ҳисоб-китоб қилиниб, ундан фойдаланиш назоратга олинди. Ночор оилалар томорқаларини ҳайдаб бериш, зарур уруғлик билан таъминлаш хўжаликлар зиммасига юклатилди. Ҳатто томорқадан қандай қилинса, кўпроқ даромад олиш мумкинлиги хусусида кўргазмалар семинар ўтказилди. Сизга балки қўлгилдир. Аммо мустақиллик даврида авж олган боқимандилик баъзи ёшлар онгига шу қадар сингишиб кетганки, ундан қутулиш осон бўлмапти.

Ишсизлик! Бу масала Норинда айниқса долзарб эди. Одамларнинг томорқаларидан қандай фойдаланаётгани билан қишлоқ оқсоқоллари, "Қамолот"чилар жиддий шугуллана бошлагач, ишсизлар сони, қишлоқ фуқаролари кенгашига нафақа сураб келувчилар бирдан камайиб кетди. Норинкапаларнинг назарида бу йил бозорларда мева-чева, полз ва сабзавот маҳсулотлари ҳам сероб, арзон бўлиб қолди.

Нориндаги асосий тармоқ - пахтачилик соҳасида ишлар қандай? Бу йил пахтачиликда андижонликларнинг илгор тажрибаларидан кенг фойдаланилди. Жами пахта учун белгиланган ернинг 45 фоизига чигит плёнка остига экилди. Парвариш яхши ташкил этилгани, одамларда ўз меҳнатининг пиروвард натижасидан манфаатдорлигининг ортли бораётгани учун пахтадан баракали ҳосил етиштирилди. Мутахассисларнинг фикрича, андижонликлар усулининг қўлланилиши туфайли ҳосилдорлик белгиланганидан 10 центнердан зиёд бўлиши кутилаётган. Ҳозир айрим хўжаликларда пахта йиғим-терими жадал бошлаб юборилди.

Мустақиллик байрами арафасида Норин туманида бўлганимизда истиқлолимизни мустақамлаш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, халқ турмуши фаровонлигини юксалтириш борасида Республика Президенти томонидан белгиланган йўл-йўриқлар ва кўрсатмаларни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича жиддий, қатъиятли ва омиқкорлик билан иш юритилганга амин бўлдик.

Мустақиллик байрами арафасида Норин туманида бўлганимизда истиқлолимизни мустақамлаш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, халқ турмуши фаровонлигини юксалтириш борасида Республика Президенти томонидан белгиланган йўл-йўриқлар ва кўрсатмаларни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича жиддий, қатъиятли ва омиқкорлик билан иш юритилганга амин бўлдик.

Мустақиллик байрами арафасида Норин туманида бўлганимизда истиқлолимизни мустақамлаш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, халқ турмуши фаровонлигини юксалтириш борасида Республика Президенти томонидан белгиланган йўл-йўриқлар ва кўрсатмаларни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича жиддий, қатъиятли ва омиқкорлик билан иш юритилганга амин бўлдик.

Мустақиллик байрами арафасида Норин туманида бўлганимизда истиқлолимизни мустақамлаш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, халқ турмуши фаровонлигини юксалтириш борасида Республика Президенти томонидан белгиланган йўл-йўриқлар ва кўрсатмаларни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича жиддий, қатъиятли ва омиқкорлик билан иш юритилганга амин бўлдик.

Мустақиллик байрами арафасида Норин туманида бўлганимизда истиқлолимизни мустақамлаш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, халқ турмуши фаровонлигини юксалтириш борасида Республика Президенти томонидан белгиланган йўл-йўриқлар ва кўрсатмаларни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича жиддий, қатъиятли ва омиқкорлик билан иш юритилганга амин бўлдик.

Мустақиллик байрами арафасида Норин туманида бўлганимизда истиқлолимизни мустақамлаш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, халқ турмуши фаровонлигини юксалтириш борасида Республика Президенти томонидан белгиланган йўл-йўриқлар ва кўрсатмаларни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича жиддий, қатъиятли ва омиқкорлик билан иш юритилганга амин бўлдик.

Мустақиллик байрами арафасида Норин туманида бўлганимизда истиқлолимизни мустақамлаш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, халқ турмуши фаровонлигини юксалтириш борасида Республика Президенти томонидан белгиланган йўл-йўриқлар ва кўрсатмаларни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича жиддий, қатъиятли ва омиқкорлик билан иш юритилганга амин бўлдик.

Мустақиллик байрами арафасида Норин туманида бўлганимизда истиқлолимизни мустақамлаш, иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, халқ турмуши фаровонлигини юксалтириш борасида Республика Президенти томонидан белгиланган йўл-йўриқлар ва кўрсатмаларни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича жиддий, қатъиятли ва омиқкорлик билан иш юритилганга амин бўлдик.

Ўтган қисқа вақтда Норинда нима ўзгарди? Ҳақулобод-Наманган йўлининг 25 километ-

— ИСТИҚБОЛИМИЗ

риқ қисми пахтазорлар, аҳоли манзилгоҳлари - қишлоқларни ёриб ўтади. Кўчалар тор, паст-баланд. Унинг икки чети паст, кўрмисиз гувала деворлар, четанлар билан ўралган. Бу ҳудудда 8 та жамоа хўжалиги бўлиб, уларда туман аҳолисининг 80 фоизи истиқомат қилади. Аҳоли сонининг ўсиши, автоуловларнинг кўпайиши туфайли кўча баъзан "ёрилиб" кетгудек бўлар эди. Шунинг учун кўчаларни кенгайтириш, ободонлаштириш зарур эди. Бунинг учун давлат маблағ ажратилиши кутиб ўтириш керакми?

Ҳоким сафдошлари билан Норинкапа қишлоғига келди: оқсоқоллар ва ёшлар билан маслаҳатлашди. Кейин қишлоқ фуқаролар кенгаши йиғилишида бу масала муҳокама қилинди.

Норинкапаликлар қишлоқнинг санитария тозалигини яхшилаш ва ободонлаштириш бўйича қилинадиган иш режаларини тузиб чиқилди. Унга кўра "Чўжа - Ҳақулобод" марказий йўлининг қишлоқ ҳудудидаги қисми - Мустақиллик кўчасининг ҳар икки чеккасига жойлашган ташкилот, корхона, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари, аҳоли хонадонларини таъмирлаш, уларга замонавий тус бериш каби тадбирлар белгиланди.

Қисқа муддат - бир ой ичида 25 чақиримли

Қишлоқ: бугун ва эртанга

маҳалласида 420 ўринли мактаб бино-



Яна ичимликлар корхонасида меҳнат қилаётган Нигора Холмирова билан Муқаддас Юнусова жамоада пешқадам ишчилардир



Корхона раҳбари Илхом Тожибоев уста Шавкат Меҳмонов билан суҳбатда

йўлининг икки чети 5-6, баъзи жойларда 10 метрдан зиёроқ кенгайтирилди, биноларнинг ташқи томонлари ўзгартирилди, эски, нураб ётган деворлар қайта қурилди.

Кўчаларни кенгайтириш қисман давлат бюджетидан, биноларни, деворларни қайта таъмирлаш норинлик 500 нафар фермер, тадбиркор, ишбилармон кишиларнинг хайру-саховати ҳисобидан амалга оширилди. Ҳомийлардан тўпаланган маблағларга қурилиш ашёлари олиб келиш, транспорт воситалари билан таъминлаш, бинокорлик ишларининг сифатли, тўхтовсиз боришини назорат қилиш, қурувчиларга иш ҳақи тўлаш хўжаликлар ҳисобидан бажарилди.

Ташаббус туман аҳолиси томонидан қўллаб-қувватланди. Барча қишлоқларда қурилиш, ободончилик ишлари қизғин тус олди. Қишлоқ усталарининг куни туғди. Улар тондан қош қорайгунча завқ билан ишлашди. Ҳозир кенг, текис автйўлдан борар экансиз, бир хил метморий кўринишдаги деворлар, оқланган, покланган иморатларни кўриб, дилингиз яйрайди.

Норинда қишлоқ инфраструктурасини яхшилаш, ободонлаштириш, янги иш ўринлари яратишга ҳам жиддий киришилди. Норинкапа



Сифатли меҳнати билан одамлар меҳрини қозонаётган гишт терувчилар саркори Абдурахмон Собиров; гишт терувчилар Тошмирза Юнусов ва Шарофуддин Мўминов;

Суратқаш А.ГЕРАСИМОВ

А. ФОЗИЛОВ

Истиқлол - менга тақдиримда

Истиқлол мамлакатимиз халқлари тараққиётининг янгидан-янги уфқларини очиб берибди. Шунинг алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда юртимизда турли миллат вакиллари ҳам ўзбеклар билан биргаликда иноқ-тотув яшаётганликлари, меҳнат қилаётганликлари ҳеч кимга сир эмас. Улар миллати, irqи, диний қарашларидан қатъий назар ҳурлар ичида хурдирлар. Мухбирларимизнинг "Мустақиллик сизга нима берибди?" деган саволига замонашларимизнинг бу борадаги ўй-фикрларини биз ҳам ўқиб кўришга-а.

Наримон АБДУЛЛАЕВ, шофёр, Тошкент тумани, Келес шаҳри:

- Мустақиллик - эрк дегани, у ҳақида гап кетганда мен ўз оиламизни кўз олдимга келтираман. Хўш, мустақиллик, менга, бизга нима берибди? - деган саволга ўтган қисқа муддат мобайнида келаётишимизга ишонч ҳосил қилдик, дегим келади. Албатта, бу кунларнинг қадрига етишимиз, уни кўз қорачигидек асраб-авайлашимиз зарур.

Отам қозоқ, онам ўзбек, турмуш ўртоғим эса татар миллатига мансуб. Аммо ҳали ҳанузгача бирорта кишининг "Сен фалон миллатга мансубсан" деган таънасини эшитганимиз йўқ. Ҳаммамиз аҳил-иноқ, тотув турмуш кеचираямиз.

Яқинда ўғлимиз Шухратиллани қозоқ қизига уйлантирдик. Шунинг алоҳида таъкидлашни истардимки, ҳозирги ёшларимиз биздан кўра тадбиркорроқ, биздан кўра ўқимишроқ, биздан кўра омадлироқ, бунга улар истиқлол шарофати туфайли ноил бўдилар.

Тоҳир АЛИМБОЕВ "Овози тожик" газетаси бўлим мудри, Республикада хизмат кўрсатган журналист:

- Бу йил ўлкамиз учун улкан ютуқлар, тўю тантаналар йили бўлди, десам янглишмаган бўламан. Айниқса, бу йил инсон манфаатлари йили деб эълон қилиниши ва бу борадаги саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётганигиз буюк келажакка бўлган ишончининг янада мустақамлади.

Истиқлолимизнинг қадру-қиммати ҳақида гап кетганда энг аввало, юртимизда тинчлик-хотиржамлик ҳукми сураётгани, бир бурда нон, бир пиёла чойимизни хотиржамликда тановул қилаётганимизни ўзи катта бахт эканлигини алоҳида мамнуният билан таъкидлагим келади.

БИР ЮРТИ БОРКИ...

Халқимиз астойдил меҳнат қилишни, илм олишни, тинч-тотувликни ҳур қўраган зукко халқдир. Зеро, истиқлолнинг қадру-қиммати биз уйлагандан ҳам, мушоҳада қилганимиздан ҳам буюкроқдир.

Моҳина ҚҮЛЛИЕВА, мактаб ўқувчиси;

--Мустақиллик деганда мен аввало тинчлик-хотиржамликни тушунаман. Ўзим тожик қизиман. Аммо ватанимни Ўзбекистон деб биламан. Қариндошларим яшаётган қўшни Тожикистон меннинг иккинчи ватаним. У ерда содир бўлаётган кўнгилсиз воқеаларни эшитиб, худодан уларга ҳам Ўзбекистондагидек озолик, шодлик бер деб илтижо қиламан. Яна мени энг қувонтиргани, кўни кеча матбуотда эълон қилинган "Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорни ўқиб эса теримга сиғмадим. 12 йилдан буён мактабда ўқитувчилик қилаётган онамни чин юракдан қутладим. Ахир истаёсизми, йўқми бугун ҳамма нарса иқтисодга бориб тақалади. Яна бу қарорни ўқитувчи қадрига берилган баҳо деса ҳам бўлади.

Қаҳрамон ЖАМОЛОВ, ТошДД талабаси;

--Мустақиллик ўзини англаш, ўзига қайтиш, ўзини соғиниш дегани. Мустақиллик омаднинг қўли, ҳар кимнинг бошига ҳам қўнавермайди. Қўнса-да ҳаммани бахтли қилавермайди. Ўзбекини бахтли қилмоқда ниятида бошига шундай қуш қўнибдими, ўзига шукур. Ўзига шукурки, мустақиллик берган имконият, бахти билан неча йил орзуламаган орзумиз амалга ошди. Ўзбекистоннинг ҳар чеккасида илм излаб пойтахтга келган ёшлар беш ой Ҳиндистон мамлакатида ўқиб қайтдик.

Мавжуда ТҲУХТАЕВА, Қизилтепа туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси;

-- Мустақилликнинг илк кўни ҳали-ҳануз эсимда. Энг севимли бўлган ўқувчиларимнинг 11-синф остонасига қадам қўйишлари билан қутлаш учун бисотимдаги бор яхши сўзларни қорозга биттирдим. Мактабга борсам эрталабдан байрамга тайёрлик бошланиб кетган экан. Қўшалоқ байрамга мустақиллик ва билимлар байрамига... 1991 йилнинг 1 сентябрида мен истиқлол ҳақида биринчи дарсни ўтдим. Уша пайтда бир содда қишлоқ аёли мустақиллик нималигини унчалик англаб етмаган эканман. Олти йилдаги улкан ўзгаришлардан кейин меннинг кўзим, онгим очилди. Мустақиллик мен уйлаганчилик оддий сўз эмас экан. Унинг замирида мен ҳар кун минг марта лаб қийнаиб ҳарф ўргатаётган ўқувчиларимнинг порлоқ келажиги, мактаб билан хайрлашаётган битирувчиларимнинг бахту иқболи бор экан.

Истиқлолнинг бир йиллигида атак-чекак қилиб мен билан хайрлашган ўқувчиларим яна бағримга қайтишди. Бири ўқитувчи, бири инженер, бири ишчи-хизматчи бўлиб. Мен энди бахтли аёлман. Бу бахтни менга бошимни омон қилган, юртимни тинч-осулда қилган, динимни, эътиқодимни қайтарган истиқлол берди.

Ш. ТУРОБ ва ЛАЙЛО суҳбатлашди.

Шу соғна хабар

Жўнаб КЕТИШДИ

Яқинда мустақил Республикаимизнинг бир гуруҳ иқтидорли ёшлари жаҳоннинг энг нуфузли билим даргоҳларида таҳсил олиш ва тажриба орттириш учун чет эл мамлакатларида жўнаб кетишлари олдидан "Қамолот" жамғармаси Тошкент вилояти бўлимида учрашув бўлди.

Чет элга ўқиш учун жўнаб кетаётганлар орасида Ангрэн шаҳридан Акмал Қосимов, Фаррух Қорабоев, Файзулло Шонисоматовлар Туркия мамлакатига, чирчиқлик Алишер Абдурахмонов, ангрелик Абдуваққос Абдурахмонов, Тошкент вилоятининг Бўстонлик туманидан Зарина Исмоилова-лар Америка Қўшма Штатларида бордилар.

Учрашув сўнгида сифарга кетаётганларга эсалик совғаси сифатида "Ўзбекистон Республикаси мустақиллик йилларида" номли китоб ҳамда Республикаимиз байрами рамзи туширилган турли совғалар улашди. Ишонимизки, халқимизнинг энг садоқатли ўғил-қизлари чет элларда ҳам мамлакатимиз Президентининг ишончини оқлаб, яхши ва аъло баҳорларга ўқиб, келгусида республикамизга фани, ишлаб чиқариш, санъати ва адабиётини ривожлантиришга уларнинг муносиб ҳиссаларини қўшиш билан Ватан олдидаги ўз муқаддас бурчларини адо этадилар.

Жўра МАҲМУДОВ



Довруғинг осмон қадар куйлагай фарзандларинг

Омон МАТЖОН
Ўзбекистон халқ шоири

КУЧИ, УМИДИ БИЛАМ

Кўмитамиз ташаббуси, тизимимиздаги нашриётлар ва матбаа корхоналарининг ҳомийликларидан ёш ижодкорларнинг илк китобларини нашр этиш яхши бир анъанана айланган.

Бу йил Мустақиллик байрамининг олти йиллиги арафасида истеъдодли ёш ижодкорларнинг илк китоблари истиқлол маҳсули сифатида муаллифларга армуғон этилди.

Катта мазмунли, қониқлиш нимада?! Бу ёшларимиз кўзида чақнаган нур, уларда ўзларига бўлган ишонч ва гуруҳнинг, масъулиятнинг қарор топишидир.

Ижод — ҳамма вақт мўъжиза. У касб, соҳа танламайди. Истеъдод ҳар бир хунарнинг беэзаги, файзи. У қанча кўпчиликка яхшилик, нузли ҳайрат ато этса, самара шулдир.

Бугун республикамизнинг турли вилоятларида яшовчи ёшларимиз, ўғил-қизларимизнинг илк баёзларини варақлар эканмиз, шукур доимиз, халқ руҳи боқий ва ҳаракатда, рафлат ва беҳабарлик чекиншига мажбур.

Оқ қороз мисли бир ойна, унга қўлнинг сояси, юракнинг эса акси тушади. Унда муҳрланган сўз кўп узокларга кетади. Уни кутувчилар ҳам кўпдир.

Албатта, беш-ўнта китобни нашр этиш, бу иш битди деган гап эмас. Муаллифлар билан тилимиз ҳикматлари устида меҳнат қилиш, мантқиқ баркамоллигига эришиш, тарихий-ижтимоий хулосаларни ибрат сабони даражасига етказиш, бу нашрларнинг доимий, кундалик ишидир. Ана шу ҳамкорлик доимий, сидқидил ва пухта бўлса, демак, халқимиз таваққур хазинаси бойишдан тинмайди.

Ушбу қутлуғ байрам кунларида жами ёшларимизни илк парвозлари билан ноширлар номидан чин дилдан муборакбод этаман. Янги изланишлар, бахт ва омад ёр бўлсин!

СОҒИНА

Сўқунабга қўлаги шаҳар,
Мил оллоқда қайта бошлар зам.
Бу шаҳарда битта мек қайрак,
Ўралида эса битта зам.

Мелба каби қўлағим нури,
Тилимда қиссиз китобга.
Ўралида бошлар исён,
Айланмак асма саровга.

Ослоқ қайтиб қўлағи тўсайди,
Кўлағи бошлар дераза юм-юм.
Чалмоққўйиб олоқ тўлоқда
Дайди кетар дарғисар рўқим.

Дайди юрак дарғисар рўқим,
Ойнавода, ойнал қўшида.
Акам билан кетмак гонада,
Онам билан қоқ бошида.

Бўшиқ узра муаллақнак, о.
Элиманда ойнак қўши.
Чоғлаб тўрақ лўқиса, кўнлик —
Қоним бошлар тўрақ тўлоқим.

Жуманазар НУРИММАТ,
Хоразм вилояти.

КАСБИДА

Қаҳшманиқ кўлағи-кекса КАСБИДА
Шоҳлардан тўқилур ифори ислар,
Тўқилур таланиб висол қонидар,
Ҳақида ширин тўқ қўлағи қизлар,
Бағриги кетмак исма берил,
Себидар безилар қишлоқ тоғлари,
Ҳақиқ қошларига бармоғи тўйраб
Қанишри эркалар қўлақ тоғлари,
Боғлиқ, секи қай дўндалар тўқим —
Ҳисимани тўқоққа юван йўларни,
Қолағи ариқчи қўлақлаб ёйим,
Бўғиқим соғиқчи қўлақ суғари,
Қошлар синағи қадимлар пайда —
Соғлари суғариқчи қоши қалатлар,
Сўздек қўзғим боғиқчи бўлоқларда
Маҳарда зам "наҳа-наҳ" дегил санатлар,
Қаҳшманиқ кўлағи-кекса КАСБИДА
Шоҳларнинг қўқисар тўқилур қизлар,
Эркалар ширин ойнак тўлоқим —
Шуқида белатмак қўлағи қизлар.

Илҳом ҚАРОМОВ,
Қашқадарё вилояти.

ЯНГИ УРҚАЛАР

Пойтахтимизнинг сершинам ва сергажум гўшаларидан Бир Улуғбек номидаги маданий-истроҳат боғида истеъдодли ёш ижодкорларнинг илк китоблари нашр этилиши муносабати билан тақдирот маросими бўлиб ўтди.

Бозор муносабатлари шароитида қобилиятли ёшларни маънавий ва руҳан қўллаб-қувватлаш ҳукуматимизнинг доимий эътиборидадир. Мустақиллигимизнинг олти йиллиги олдидан диёримизда яшаб ижод қилаётган 35 нафар йигит-қизнинг илк китоблари нашр этилди. Шаҳсан Президентимизнинг, қолаверса, Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси раҳбариятининг саъй-ҳаракатлари билан Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, "Езувчи" ва "Ўқитувчи" нашриётларида чоп этилган бежирим илк тўпламлар яқинлашиб келаятган табарруқ байрамга муносиб тўна бўлди.

Тақдирот маросимида Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси раиси ўринбосари Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Иброҳим Раҳим, атоқли шоир Нормурод Нарзуллаев ва бошқалар иштирок этилди.

Маросим сўнггида илк китоб муаллифларини суҳбатга тортиди:

Моҳиғул УҚТАМ қизи:
- Илк тўпламининг нашр этилиши меннинг ҳаётимда катта воқеа бўлди. Республика раҳбариятининг бизларга қўрсатган ғамхўрлиги учун сидқидилдан миннатдорчилик билдираман.
Норқоиб ЖАЛИЛ:
- Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида ёшларнинг китоб чиқариши нечоғли машаққат эканлигини тўғри англаган, ёшларга ғамхўрлик қилганларга раҳмат дегим келади.
Ғулам КЕЛДИЕР:
- Истиқлол юртимизда туб ўзгаришлар ясади. Бу ҳаётнинг барча жабҳасида акс этмоқда. Мен илк тўпламим — "Тулпорим"ни Мустақилликнинг олти йиллигига совға деб биламан.
Вафо ФАЙЗУЛЛО:
- Ҳақиқий адабиёт, шеърят кўнгли хурлиги, шахс эрки намоён бўлганда янги ўфқлар очилади. Ҳозирги ёш ижодкорларга қилинаётган ҳиммат эса эзулиқ ва ҳақ сўзга йўл очади.
Иброҳим ПАЙДО:
- Шеърят буюк касаллик, у кимга юқса, бу бахтдан нишона.

Юсуф ЖўРАЕВ,
"Туркистон" мухбири

Суҳбатда ёш ижодкорларнинг ўзaro мулоқот пайти ҳамда нашр этилган асарлар кўргазмаси

СЎЗЛАРИМ БЕРКИНАР ЧЕКИБ НОЛАЛАР...

Сайёра Самандарова: "Сизга айтолмаган сўзларим", (Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти)

Илк тўпламининг масъулияти залворли бўлади, ижодкор ўзининг илк китоби билан ўқувчилар олдига чинакам синовдан ўтади, ўқувчи илк китоб биланок қаламкашни "бўлади" ёки "бўлмади"га чиқаради.

Одатда, шеърин тўпламларни ўқиганимда, қулли сатрларни, юракка қаладидан байтларни чиқиб, белгилаб қўяман. Сайёранинг китобини ўқиб, сўнг варақласам, сатрларга эмас, шеърларнинг ўзига белги қўйиб чиққан эканман. Шундай шеърларнинг бири, мана:

Ҳар тун менга айтган дил сўзларингиз,
Эртанги кунимга умид уйғотар.
Кўз олдимда дарддан қўлаб тушувчи
Бу паст дунёлардан қутқариб қолар.
Сўзларим беркинар чекиб нолалар,
Сўзларим беркинар чекиб нолалар,
Юрагимда сўлаб қолган нолалар.
Шоирнинг шеърларини ўқиб, қиз қалбиди нозик тўлоғишлар, дилбар ҳислар, назокатли ибос шеър орқали, сўз орқали ўзининг эркин ифодасини топа олишидан ҳайратланасиз.
Холбуки, китобда бундай руҳни тозаловчи, нигоҳни боғловчи шеърлар кўп. Булар-

нинг бари -- Сайёранинг чин шоирона қалбга эга эканлигини, катта истеъдоддан дарак. "Бугуннинг сўзи", "Отаҳий боғида", "Боболарнинг ёзуви", тилин билмагач", "Соғинч", "Қўларим уйқун ёлдан чиқарди" сингари шеърлари -- ана шу гўзал ҳиссийат, дидли, истеъдодли шоирнинг юрак сўзлари, сир сўзлари, нур сўзлари.

Тўпламдан Сайёранинг "Туркон хотун билан уч бахс" драматик достони ҳам ўрин олган. Достон -- Ватан тақдир, Ватан тақдирини билган муносабат ҳақида.
Туркон хотун, мўғул босқинчилари қўҳна Хоразмни истило қила бошлаганларида, Ватанни ҳимоя қилиш ўрнига, уни аросатга ташлаб қочган тарихий шахслардан. Шоира орадан етти юз етмиш йил ўтиб, яъни бугун мана шу шахс билан Ватан тақдирини ҳақида баҳс юритади. Шу баҳс мубайнада Туркон хотуннинг ҳам, шоиранинг ҳам ватанга, зобитларга муносабати эркин очилади. Достон эҳтирос билан, улкан ватанпарварлик туйғуси билан ёзилган. Сайёранинг тарихни яхши билиши, тарихни мушоҳада қила олиш тарзи пухта шакллангани, энди бундай жиқидий мавзуларда ҳақиқий асарлар ярато олиши "Баҳс" достони орқали равшанлашган. Демак, бу борда ҳам Сайёранинг катта ва пухта янги асарлар қутишга ўқувчи ҳақли.

Музаффар АҲМАД



У шундоққина қаршимда ўтирарди. Қора соч, қора қош, энгил-боши ҳам қоп-қора эди унинг. Атай фикрларимдан чалғитмоқчи ниятида ўқдек нигоҳини менга қалаганча, қаттиқ тикилиб турарди. Мен ҳам қайсарлик ила у билан курашардим. "Ахир у қиз бола-ку, қиз бола!" -- дерам ўзимга ўзим. Бу фикр менга ишонч берар, куч берар ва ора-сира ханжардай нигоҳини унга қадардим. Сезиб турибман, ўта қайсар ва мағрур нигоҳимда қанча ишонч, қўдрат бор. Аммо, у ҳам тиз чўқмоқчи эмас. У ҳам ўзига етгунча ўжар. Олдий қиз эмас-да у!

Тўйхонага киришим билан унинг шу ердалигини сезгандим. Аммо кимнинг қиёфасида эканини даб-дурустан илғай олмадим. У таратаётган тўлқинларни қабул қилдим,

билмаётиман. Менда башоратчилик қобилияти бўлса-да, уни ҳеч вақт ишга солган эмасман. Асосийни, алвастиларни одамлардан ажрато оламан. Ҳатто, шарпа ҳолида бўлганларида ҳам ҳис қиламан уларни. Айниқса, миямни титкилашаётганини дарров пайқайман. Уша заҳотиёқ "лоилоҳа"ни айтмаверман, бетўхот. Биламан, миямдаги онгда туртга-бешта фикрлаш шахобчаси бор. Мен уларнинг ҳаммасига шу дуони жойлаштираман.

Айрим пайтлари, кўпроқ чарчаганимда, улар билан курашиш бейфойдалай туюлади. Улар дуо ўқилса қочишади. Кейин яна келаверишади. Уриб бўлмайдми, ёқиб бўлмайдми уларни. Нима қилиш керак? Бу офатдан қандоқ қутулса бўлади?!

ҚОРА ҚИЗНИНГ ҚЎЗ ЁШЛАРИ

(Қиссадан нарча)

холос. Унга қарайман-у, "Барибир мени чалғитолмайди", деб ўйлайман. Мен албатта, ўз вазифамни бажараман.

Ҳамма, тўйхонадаги ҳамма кўз остида. Уй қўриқлаётган итдай қулоғим динг.

Тўй-ҳақиқий тўй. Бир ёқда хонандалар куйлайди, башанг кийинган меҳмонлар. Беҳисоб чироқлар нурида кийимлар товланади, у ранглар чехраларга ўзига хос маъно беради. Улар худди сахнадаги ижрочиларга ўхшашади, ихтиёриёз ижрочиларга.

Кетма-кет овқатлар тортилади, мезбонлар тавозе билан "олинг-олинг" қилишади. Мен эса... на овқатга қарайман, на қўшиқ эшитаман. Ҳа, тўйхонада, бу худда-бехуда югур-югурларда қандайдир маҳобатли сир яширин. Одамлар вақтичоғ кўринсалар-да, аммо хомуш кўзлар баъзи-баъзида асабийлик ва ички хавотирни сездириб қўяди. Тўй таҳдидли оҳанг ҳаммани қамраб олгандай, ҳамма ўша ваҳимали куйга мутеб бўлгандай. Ундан қутулишнинг ҳеч қанақа иложи йўқдай...

Тўй бўладиган хонанонни улар ҳаммиша қўришаб олишади. Одам кўп бўлади-да бунақа жойда! Йўқ, улар икки дунёда ҳам тўйдек гажум маросимда ҳужум қилишмайди. Фақат ўзларига қурбон таллаб кетадилар. Улар фикр ўқиб, миёнад маълумот олишади. Энг хатарли нарса ҳам шу! Инсон ўзи ҳақида ҳали ҳеч нарса билмайдми ҳисоб. Улар эса бизни ҳар тарафлама ўргана оладилар. Бу дегани улар бизни ҳар куйга солишлари мумкин. Афсуски, уларнинг ниятини

Афсуски, энди улар моддий сийратда кўрнма бошладилар. Бу энг хунук ҳодиса. Масалан, қаршимдаги офатхон, у ҳатто мени рақса тақдир қилиши мумкин. Бошқалар деган фарқшолмайди-ку!

Сўхроб улари ёрдамчим бор. Унинг вазифаси девор ат-родини кузатиш. Ана у, девор тағида қоп-қора кўзларини бир нуқтага қалаганча ўтирибди. Кўзлари мунгли, маънос. Уни нимадир қийнаётди. Кейинги пайта ўзгариб қолган. Бунин мен ҳам сезаётганим. Тағтиш гуруҳидилар уни қандайдир қиз билан учратганини, у қизнинг куйлиги қора рангда эканини ҳам айтишгандай. Уни имлаб чақирдим. У уйдундан энди уйғонгандай талмовсираб ёнимга келди. Шу алфозда бўлса-да, у ҳам қаршимдаги қорамарғизга дарров эътибор қилди.

-- Сен билан бир аёл гаплашмоқчи, -- деди у қизга иккинчи бор жонсарак нигоҳ ташларкан.

Қиз бегубор жилмайди, маржондай терилган оппоқ тишлири ярақлаб кетди. Уша заҳоти тоқ ургандай баданим жимирлашди-ю, бу ҳолатдан баттар туютқим. Қизга қаттиқ тикилганча ўриндаман турдим. Ичимда шунақаям хурсандманки... Негаки, у мендан ҳеч қанақа маълумот урилмади. Аммо, ундан хавотирдайдим. Шунинг учун Сўхробни унга қоровул қилиб кетдим. Шарпага айланиб, оркамдан келса борми...

Мени тугун-терсақ тўла хонага бошлаб киришди. Ранги бўзарган шолчалар устига кичик-кичик кўрпачалар

ташланган, у ерда қоп-қора кийинган бир бурдагина аёл ўтирарди. А ё л и н г кўзлари бежо, кишига ҳақик билан боқар, ҳатто эшик очилганида ҳам у бир чўчиб тушди.

"Нега у қора кийимда? -- м и я м д а т у г и л г а н биринчи савол шу бўлди. -- Ахир бу уларнинг белгиси-ку!"

Ботиний онгим билан уни текшира бошладим. Қўз ўнгимда вайрона уй ва сочлари тўзғиб кетган аёл намоён бўлди. "Бошига бир тавиши тушган кўрнани Шу боис ҳам қора кийимдадир балки". Уни обдон текширувдан ўтказдим. Аёл моддий эди. Бунинг устига ҳеч қанақа гайратибий нур сезганим йўқ. Утириши ҳам галати, худди ҳозир бирон муҳиш ҳодиса юз бералгандай, бетоқат, саросимада. "Йўқ, у алваста эмас! -- ўз-ўзимга тасдиқладим мен. -- Зотан, улар бунчалик жонсарак бўлишолмайди. Уларда мияни қарақтайдиган қўдратли тўлқин ва қандайдир ёвуз хотир-жамлик бор".

-- Чидолмадим, барибир олдингизга келдим, -- даб-дурустан гап бошлади аёл ва қўлидаги дастрўмолчасини асабий-ғижимлай бошлади. Оппоқ, интичка буюқлари биланар-билинмас қаттирарди.

-- Аммо... ҳатто айтишга ҳам қўрқаман бунин. Назаримда... ҳозир ҳам... -- аёл овозини пасайтирди ва дарвоза томонга ҳақик билан қараб қўйди, -- бизни кимдир эшитиб турганга ўхшайди...

Шаҳд билан ортимга ўтирилдим. У ерда қора қузғундай деразага ёпишиб олган қизни кўрдим-у, сесканиб кетдим. Яхши ҳам аёл уни кўролмайдми. Фақат сезади, ҳолос. Сўхробчи, Сўхроб! Ахир унга тайинладим-ку, қизни чалғитиб тур деб! Лаънати алваста, барибир эвини қилиб келибди...

Нигина НИЁЗ
Тошкент вилояти

БАҲОНА

Бир бой Насриддинни чўпонликка ёллади. Хўжа қишлоқдан чиқарган қирқ бир қўйдан биттасини сўйиб егач, қолганини ҳам умуман эгасига қайтармасликка қарор қилди.

У бугизланган қўқорнинг терисини елкасига ташлаб, бойнинг хузурига борди.
-- Хўш, менинг кўзичоқларим қалай? -- деб сўради хўжайин.

-- Фалокат юз берди! Қирқтаси чақмоқ уриб ўлди.
-- Эй худо! Қирқ биринчиси-чи?
-- Кўрмайсизми? Елкадаги ўшанинг териси бўлади.

"ТЕЖАМКОРЛИК"

Насриддин темирчилик билан шуғалланганида ҳаммиша пустинини илгакка осиддан аввал уни яхши-лаб ур-аб қўядиган бўлди.

-- Нега бунақа қилаёсиз? -- деб сўрашди одамлар.
-- Исрофгарчиликни кўргани кўзим йўқ, -- дея жавоб берди у. -- Ҳавони беҳуда кетказиб нима зарил?

ҚОРА ДЕНГИЗНИНГ СУВИ

Бир бой Қора денгизнинг бор сувини ичиб, тутатган кишига минг червон беришини овоза қилди.

Насриддин бу ишга астойдил киришди. Белгиланган кунни бир тўла оломон гаройиб томошани кўришга тўпланди.

-- Қани, бошлайверчи, -- деди бой.
-- Вой айёр-ей! -- деб қўлди Хўжа. -- Аввал анави куйлаётган дарёларни орқага қайтар. Ахир мен уларни эмас, Денгизнинггина сувини ичишим керак-ку. Ҳамма унинг таланини тўғри деб топди. Бой ноил-доқ ҳаминини кавлашни мажбур бўлди.

Абдумалик ИСОМИДДИН,
Фарғона вилояти

Муассис:
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
"КАМОПОТ" ЖАМГАРМАСИ
Ҳомий:
ЎЗБЕКИСТОН РЕПУБЛИКАСИ
"МАТБУОТ ТАРҚАТИШ УЛОҚМАСИ" АССОЦИАЦИЯСИ

Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ
Навбатчи муҳаррир: **Лайло ҚАРИМОВА**

ТАХРИРИЯТ:
Қабулхона раҳбари бўлими — 136-56-58, 133-98-97;
Хабарлар бўлими — 136-54-64;
Тижорат бўлими — 133-79-69; ижтимоий алоқалар бўлими — 136-54-64; спорт ва тарбия бўлими — 136-58-93; кўриб-йит ватанпарварлик бўлими — 136-58-93, кўриб-йит — 136-58-48.

Муаллифлар фикри тахририят нуқтасидан назардан ўтказилган бўлиши мумкин.
Дизайн устаси: **С.ФАЙЗУЛЛАЕВ**